

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI

257 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ–4861-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ–2666-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ–4861-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ–2666-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 апрель,
207-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 апрелдаги 207-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Ушбу талаб Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда Давлат туризм қўмитаси деб аталади) илтимосномалари бўйича туризм соҳасида ишга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга татбиқ этилмайди»;

б) 9-банднинг иккинчи хатбошидаги «ишлаб чиқариш фаолиятининг ноёб тажрибасига» сўзларидан кейин «шунингдек Давлат туризм қўмитасининг илтимосномалари бўйича туризм соҳасига ишга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга» сўзлари қўшилсин;

в) 17-бандга қуйидаги мазмундаги «г» кичик банди қўшилсин:

«г) Давлат туризм қўмитасининг илтимосномалари бўйича туризм соҳасида ишлашга 3 ойгача муддатга жалб этиладиган мутахассисларга».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорининг 3-илоvasи номига «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида» 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорида:

а) 1-илова 12-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

3-банддаги «меҳмонхоналардаги ёки бошқа турар жойларда» сўзлари «меҳмонхона хизматлари — вақтинчалик яшаш бўйича хизматлар кўрсатиладиган жойлаштириш воситаларида (меҳмонхоналар, туризм базалари ва комплекслари, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, миллий меҳмонхона уйлари, ўтов лагерлари, санаторийлар ва бошқа объектларда), бошқа турар жойларда, шунингдек даволаш муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Қабул қилувчи ташкилотлар, шу жумладан туризм операторлари хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида

ва ушбу Қоидаларда назарда тутилган уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўз вақтида тушунтирилишини, хорижий фуқароларга нисбатан белгиланган ҳуқуқий нормаларнинг аниқ бажарилишини таъминлайдилар, хорижий фуқароларнинг тегишли ҳисобини юритадилар, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлимларида вақтинчалик прописка қилишнинг таъминланиши, уларнинг республика ҳудудида ҳаракатланиши ва улар бўлишининг муайян муддати тугагандан кейин Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишлари учун жавоб берадилар.

Хорижий туристларни қабул қилувчи туризм операторлари, шунингдек уларнинг ходимлари хорижий туристлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилиши юзасидан жавобгарликдан озод қилинадилар, ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган жавобгарлик бундан мустасно»;

қуйидаги мазмундаги 6¹-банди қўшилсин:

«6¹. Уларга нисбатан виза режими қўлланмайдиган ёхуд визалар беришнинг соддалаштирилган тартиби қўлланадиган, учинчи шахсларнинг таклифларисиз ёки турист сифатида таклифларисиз келишган хорижий фуқаролар паспорт бўйича назоратдан ўтгунгача ушбу Қоидаларнинг 5-бандида назарда тутилган талаблар ва жавобгарликлар билан танишадилар. Кўрсатиб ўтилган фуқаролар, зарурат бўлганда, визаларни узайтиришга ҳужжатларни мустақил равишда бериш ҳуқуқига эгадирлар»;

13-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Жойлашиш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари томонидан жойлашган шахсларнинг ҳисоби юритилади;

Ички ишлар органлари ҳар ҳафтада ҳудудлар бўйича манзил-маълумотнома бюросига келиш ва кетиш варақаларини юбориши шарт. Жойлашиш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари ҳар куни (жойлашгандан кейин ўн икки соат мобайнида) ички ишлар органларини махсус электрон автоматлаштирилган дастур ёрдамида пропискадан ўтиши керак бўлган жойлашган шахслар тўғрисида Интернет тармоғи орқали жойлашиш воситаларида турувчиларнинг ҳисобини юритиш тўғрисида хабардор қилиши шарт»;

16-бандда:

биринчи хатбошидаги «Меҳмонхоналарда» сўзи «Жойлашиш воситаларида ва даволаш муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

«а» кичик банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

17-банддаги «меҳмонхоналар» сўзи «жойлашиш воситалари ва даволаш муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келишган хорижий фуқароларнинг жойлашиш воситаларида ва даволаш муассасаларида ҳужжатларини ва яшашини ички ишлар органларининг тегишли руҳсатларисиз ушбу Қоида-

ларнинг 11-бандида белгиланган муддатдан ортиқча вақтинчалик пропискасиз расмийлаштириш тақиқланади;

19-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «Меҳмонхоналар» ва «меҳмонхоналарда» сўзлари тегишли равишда «Жойлашиш воситалари ва даволаш муассасалари» ҳамда «жойлашиш воситалари ва даволаш муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Жойлашиш воситаларида ва даволаш муассасаларида хорижий фуқароларнинг хужжатларини расмийлаштириш ва бўлиши муддатини узайтириш қабул қилувчи ташкилотларнинг ёзма илтимосларида ёхуд ушбу Қоидаларнинг 6¹-бандида кўрсатилган хорижий фуқаролар ўзларининг ёзма аризаларида (туристлар учун — турнинг амалда бўлиши муддатига), лекин виза амал қилиши муддати доирасида амалга оширилади»;

22-банддаги «меҳмонхонага» сўзи «жойлашиш воситаси ва даволаш муассасасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банддаги «меҳмонхоналарга» сўзи «жойлашиш воситалари ва даволаш муассасаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «меҳмонхоналарда», «меҳмонхоналарнинг» сўзлари тегишли равишда «жойлашиш воситаларида ва даволаш муассасаларида», «жойлашиш воситалари ва даволаш муассасаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банддаги «Меҳмонхоналар» сўзи «Жойлашиш воситалари ва даволаш муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банддаги ва 32-банднинг иккинчи хатбошидаги «меҳмонхоналарда» сўзи «жойлашиш воситалари ва даволаш муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловада:

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Ўзининг шахсий транспорт воситасида, пиёда ёки гуруҳ таркибида автобусда туризм мақсадида транзит юрмоқчи бўлган хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасига келгунгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширувчи туризм ташкилотларининг автотурларини белгиланган тартибда, тўхташ жойларини кўрсатган ҳолда олиши ҳамда тегишли туризм визасига эга бўлиши шарт, ўзларига нисбатан виза режими қўлланмайдиган хорижий фуқаролар бундан мустасно»;

10-банддаги «меҳмонхонада» сўзи «жойлашиш воситалари ва даволаш муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-бандда:

«а» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«б) ўз фаолиятини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган жойлашиш воситалари ва даволаш муассасалари».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги 15-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 1-сон, 3-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг идоралараро тусдаги халқаро шартномаларини

тузиш, бажариш, тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тартиби 3-бандининг ўн учинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 8 августдаги 346-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 8-сон, 29-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг олтинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компаниясида» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 декабрдаги 473-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 76-модда) билан тасдиқланган Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариш тартибига илованинг «Масъул вазирлик, идора» устунидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Германия Федератив Республикаси фуқаролари учун виза бериш тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» 2001 йил 2 майдаги 202-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ёки бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхатида:

а) «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» бўлимининг йигирманчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси» бўлимидан кейин қўйидаги мазмундаги бўлим қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Туризм (туроператор) фаолияти».

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Япония фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» 2002 йил 22 июлдаги 259-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Австрия Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 февралдаги 84-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Италия Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 февралдаги

85-сон қарорининг 1-банди учинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Испания Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 февралдаги 86-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Швейцария Конфедерацияси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 февралдаги 87-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» 2003 йил 27 февралдаги 106-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Франция Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» 2003 йил 27 февралдаги 107-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Бельгия Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» 2003 йил 27 февралдаги 108-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Латвия Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» 2004 йил 6 апрелдаги 166-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида» 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) 1-илоvasида:

а) «22¹-позицияда:

«Ахборот тури» устунисидаги «Меҳмонхоналар ва отеллар» сўзлари «Жойлашиш воситалари (меҳмонхоналар, туризм базалари ва комплекслари, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, миллий меҳмонхона уйлари, ўтов лагерлари, санаторийлар ва меҳмонхона хизматлари — вақтинча яшаш хизматлари кўрсатиладиган бошқа объектлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъуллар» устунисидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 22²-банднинг «Масъуллар» устунисидаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идо-

раларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағ ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 1-илованинг 30-позицияси (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«	30.	Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	Туристлик йиғим (меҳмонхона йиғими) ва ўз вақтида тўланмаганлиги учун пеня	100	».
---	-----	--	--	-----	----

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 6 мартдаги 53-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 3-сон, 22-модда) 2-илованинг еттинчи хатбошидаги «Ризаев Ф.М.» ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси» сўзлари тегишли равишда «Шарапов А.К.» ва «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 21 июлдаги 200-сон қарорининг 1-илоvasи саккизинчи хатбошидаги «Ризаев Ф.М.» ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси» сўзлари тегишли равишда «Шарапов А.К.» ва «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «2016 — 2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» 2016 йил 26 февралдаги 55-сон қарорининг 3-илоvasи 1, 18 — 20 ва 35-бандларининг «Масъул бажарувчилар» устундаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 12 августдаги 262-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 8-сон, 78-модда) 1-иловада:

а) II бўлимнинг «Давлат қўмиталари» кичик бўлимига қуйидаги мазмундаги 8-банд қўшилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси»;

б) IV бўлимнинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори 1-илоvasига қуйидаги мазмундаги 36¹-банд қўшилсин:

257-258-моддалар

— 200 —

15 (775)-сон

«36¹. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси».

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 апрелдаги 207-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектуризм» Миллий компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1992 йил 20 октябрдаги 484-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 28 июлдаги 360-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 75-сон).
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 27-модда).